

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Учқудук туман тиббиёт**  
**бирлашмаси бошлиғи**

  
**Х.Шукуров**  
«    » «    » **2022** йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун.**  
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Учқудук туман-2022 йил**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Учқудук туман Тиббиёт бирлашмаси “А”-болк қисмига кислород мис трубаларни тортиб бериш ҳамда кондиционерларни таъмирлаш ва кондиционерлар ўрнатиш ишларини бажариш хизмати.

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **16 655 600 (Ўн олти миллион олти юз эллик беш минг олти юз) сўм.** Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати -аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **Учқудук туман Тиббиёт бирлашмаси** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Учқудук туман, Олтинтоғ кучаси 27-уй

Эл.адрес:**bunyodruzziyev96@gmail.com**

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов **Учқудук ТТБ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан кунунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирлиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъбуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларининг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Учқудук ТТБ бошлиғи

Х.Шукуров

2022 йил

Учқудук туман Тиббиёт бирлашмасига беморлар операциясида ишлатиладиган соясиз чирок (Лампа операционная бестеневая переносного) сотиб олиш учун

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Учқудук туман Тиббиёт бирлашмасига беморлар операциясида ишлатиладиган соясиз чирок ( <b>Лампа операционная бестеневая переносного</b> ) сотиб олиш.
2	Буюртмачи	Учқудук туман тиббиёт бирлашмаси
3	Буюртма учун асос	Учқудук туман Тиббиёт бирлашмасига беморлар операциясида ишлатиладиган соясиз чирок ( <b>Лампа операционная бестеневая переносного</b> ) сотиб олиш
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навой вилояти Учқудук тумани ТТБ
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Учқудук туман Учқудук туман Тиббиёт бирлашмасига беморлар операциясида ишлатиладиган соясиз чирок ( <b>Лампа операционная бестеневая переносного</b> ) сотиб олиш.
6	Тижорат таклифларини такдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома. Соғликни сақлаш техникалари етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари учун сертификат. Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома. Банк айланмаси тўғрисида маълумотнома. Давлат харидлари поргалида қора рўйхатга киритилмаганлиги
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Тайёр маҳсулот етказилган ҳисоб-фактурага асосан тўлов амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил март апрел ойларида 2022 йил 30 апрелгача.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Учқудук туман ТТБ бюджет маблағлари ҳисобидан.

Учкудук туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

Х.Шукуров

2022 йил

Учкудук туман Тиббиёт бирлашмаси "А"-блок қисмига кислород мис трубаларни тортиб бериш ҳамда кондиционерларни таъмирлаш ва кондиционерлар ўрнатиш ишларини бажариш хизмати учун

КАЛЬКУЛЯЦИЯ

Т/Р	Товар, иш ва хизматлар номи	Ҳажми	Сони	Нархи	Жами харажатлари
1	Кондиционерларни қайта ўрнатиш хизмати (13 мерт ўртача баландликда)	шт	9	680 000	6 120 000
2	"А" блок ички қисмига кислород мис трубкаларини ўрнатиш (трубка харажатлари хизмат ичида ҳисобланади)	Метр	40	67 500	2 700 000
3	Кондиционерларни қайта таъмирлаш хизмати	шт	3	345 000	1 035 000
4	Баландликда фойдаланнш учун кран хизмати	соат	8	350 000	2 800 000
5	Меҳнат ҳақи	ишчи	2	1 500 000	3 000 000
6	Иш ҳақидан даромад солиғи (12%)	сум			360 000
7	Жами ҳақийқий харажатлар	сум			16 015 000
8	Айланмадан тўланадиган солиқ (4%)	сум			640 600.00
	<b>ЖАМИ</b>				<b>16 655 600</b>

Учкудук туман ТТБ бош ҳисобчиси

Учкудук туман ТТБ иқтисодчиси

Учкудук туман ТТБ хўжалик ишлар мудир

Б.Рузиев

Ш.Утаев

Х.Омонов